

Умумтаълим мактабида мулоқот

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандисларин институти ва Тошкент вилояти Ўрта Чирчик тумани ҳалқ таълими бўлими тасарруфидаги 56-сонли умумтаълим мактабида таълим сифати ва ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини ошириш ва методик қўллаб – қуватлаш учун ҳамкорликни ташкил этиш бўйича йўл харитасига асосан “Гидромелиорация” факултети “Ирригация ва мелиорация” кафедраси профессор-ўқитивчилари доц. С.Касембетова, асс. Г.Ахмеджанова ва асс. Э.Маликов 56-сонли умумтаълим мактабига ташриф буюрдилар. Даставвал, мактаб директори Н.Муталова ўқувчиларга яратилган шарт – шароитлар билан таништириди. “Ирригация ва мелиорация” кафедраси профессор-ўқитивчилари бу йил олийгоҳга топширишга ният қилган 11 синф ўқувчилари билан мулоқот ва очик дарс ташкил этдилар.



Маърузада мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг «Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган мухит ва шароитларни яратишимиш керак. Бунда, аввало, таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттириш миллий ғоямизнинг асосий устунлари бўлиб хизмат қилиши лозим» фикрларини яна бир бор келтириб ўтдилар. Кафедра доценти С.Касембетова “Ирригация ва мелиорация” кафедраси қошида ташкил этилган “Мелиоратор” иқтидорли талабалар тўгараклари фаолияти, сув хўжалигини рақамлаштириш ва амалий технологиялар борасида тақдимот қилди.



Шундан сўнг ўқувчилар ўртасида қизиқарли танлов ташкил этилди. Танлов ғолибларига кафедранинг эсдалик совғаларидан бадий адабиётлар билан тақдирландилар. Мулоқот ва очик дарсларда 56-мактаб ўқитувчилари ҳам фаол иштирок этиб, танлов ғолибларини баҳолашда яқиндан кўмак бердилар. Юқори савияда ташкил этилган мулоқот ва очик дарслар сўнгида барча ўқувчиларни Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандисларин институтига экскурсияга таклиф қилинди.

“Ирригация ва мелиорация” кафедраси мудири, т.ф.н., профессор И.Бегматов ахбороти

ТИҚҲММИ матбуот хизмати